**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛМУРОДОВ АБДУЛХАМИД ЭРКИНОВИЧ**

# ҒОВАК-ЭЛАСТИК МУҲИТДА БИР ЎЛЧОВЛИ НОЧИЗИҚЛИ ТЎҒРИ, ТЕСКАРИ ДИНАМИК МАСАЛАЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

**05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи (физика-математика фанлари)**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**УДК 519.957**

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации
Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
**DSc.27.06.2017.FM.01.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХОЛМУРОДОВ АБДУЛХАМИД ЭРКИНОВИЧ**

# ҒОВАК-ЭЛАСТИК МУҲИТДА БИР ЎЛЧОВЛИ НОЧИЗИҚЛИ ТЎҒРИ, ТЕСКАРИ ДИНАМИК МАСАЛАЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

**05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи (физика-математика фанлари)**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.DSc/FM117 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (http://ik-fizmat.nuu.uz/) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|---|---|
| **Илмий маслаҳатчи:** | **Имомназаров Холматжон Худайназарович**<br>физика-математика фанлари доктори,<br>етакчи илмий ходим (Россия, ҲМ ва МГ ИТИ) |
| **Расмий оппонентлар:** | **Урев Михаил Вадимович**<br>физика-математика фанлари доктори, профессор<br>(Россия, ХХРА ва ДХ) |
| | **Хужаёров Бахтиёр Хужаёрович**<br>физика-математика фанлари доктори, профессор |
| | **Хужаев Исматулла Кушаевич**<br>техника фанлари доктори, етакчи илмий ходим |
| **Етакчи ташкилот:** | **Тошкент Ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот-коммуникация технологиялари илмий-инновацион маркази** |

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги Dsc.27.06.2017.FM.01.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___»___________ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2018 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2018 йил 9 июндаги 6-рақамли реестр баённомаси).

**А. Р. Марахимов**
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**З.Р. Рахмонов**
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д.

**М.М.Арипов**
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., профессор

## Кириш (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда суюқликлар билан тўйинтирилган ғовак муҳитда тўлқин ҳодисаларни математик моделлаштириш масалаларига келтирилади. Ғовак-эластик муҳит ҳаракатлари математик физика, туташ муҳитлар механикаси, суюқликлар механикаси, кўп фазали динамика ва математик моделлаштириш каби соҳалардаги тадқиқотларнинг объектидир. Кўп фазали муҳит тенгламалари ғалла ва кўмир кукунлари, газланган нефт, томчи ва аэрозоллар ҳаракати, ёқилғининг ёниши: кокс, қурум ва тутуннинг ҳосил бўлиши жараёнлари, суюқликлардаги суспензия ва пуфакларнинг ҳаракати, ғовак муҳитлардаги суюқлик ва газларнинг ҳаракати, эриш ва чўкма ҳосил бўлиш жараёнларини аниқлашда асос сифатида хизмат қилади. Шунинг учун суюқлик билан тўлдирилган ғовак муҳитларда ночизиқли кўндаланг тўлқинларнинг тарқалишини тавсифловчи математик моделларни тадқиқ этиш сейсмоқидирув ва геофизика соҳаларининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда турли оқимларни тадқиқ этиш, яъни кўп фазалилик эффектларини ҳисобга олиш ҳамда кузатилаётган жараёнларнинг адекват математик моделларини қуриш суюқликлар механикасининг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Икки фазали муҳитлар ҳаракатларини фазаларнинг дастлабки тузилиши ва физикавий хоссаларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш, янги параметрларни киритиш ҳамда бир фазали оқим тенгламаларига қараганда анча мураккаб бўлган тенгламаларни ечишни талаб этади. Бунда гетероген муҳитлардаги фазалараро ва фазалар ичидаги ўзаро таъсирларни аниқ тавсифи ниҳоятда мураккаб ҳамда аҳамиятли натижаларга эришиш ва уларни ечиш учун кўп ҳолларда рационал идеаллаштириш (абстрактциялаш) зарур бўлади. Математик моделлар учун ночизиқли тўғри ва тескари динамик масалаларнинг классик ечимларининг локал мавжудлигини тадқиқ қилиш, кўндаланг тўлқинлар тенгламасининг сингуляр ечимларини қуриш ҳамда уларнинг сонли ҳисоблаш методлари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий татбиқига эга бўлган туташ муҳитлар механикаси, кўп фазали динамика ва математик моделлаштиришнинг долзарб йўналишларига алоҳида эътибор кучайтирилди. Бу борада ғовак муҳит скелет(каркас)ига нисбатан тарқалаётган тўлдирувчи суюқликдаги тўлқинлар хоссаларини аниқлашда ҳамда кўп фазали муҳитлар механикаси моделларини қуришда салмоқли натижаларга эришилди. «Функционал анализ, математик физика, амалий математика ва математик модделлаштириш» фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш амалий математика фанининг асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Қарор ижросини таъминлашда ғовак-эластик муҳитлардаги жараёнларни математик моделлаштириш ва сонли тадқиқ этишни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2017 йил 8 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи[2].** Кўп фазали муҳитларни математик моделлаштиришга қаратилган илмий тадқиқотни аналитик ва сонли усуллар ёрдамида ечиш, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий таъминотини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар етакчи хорижий давлатларнинг илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, шу жумладан, Massachusetts Institute of Technology, Columbia, ва California Institute of Technology, University of Texas, University of California, Berkeley ва Harvard University университетлари (АҚШ), Schlumberger Company, Baker Huges, Cambridge University (Буюк Британия), University of Zielona Gora (Польша), Weierstrass Institute for Applied Analysis and Stochastics (Германия), Tsinghua University, Beijing, Zhejiang University, Hagzhou, Shandong University (Хитой), Kyungpook National University (Жанубий Корея), Физика-техника институти (Санкт-Петербург), РФА СБ Гидродинамика институти, Иссиқлик физикаси институти, Математика институти, Москва Давлат университети (Россия), Киев Миллий университети (Украина), Ўзбекистон Миллий университети, Қарши Давлат университети (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Кўп фазали муҳитларни математик моделлаштириш методларини такомиллаштиришга оид тадқиқотлар натижасида қатор, шу жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ўрта қиймат усулига асосланиб ўзаро киришадиган континуумлар динамикаси моделлари қурилган (Cambridge University, Буюк Британия; МДУ, Россия); энтропиянинг локал аддитивлиги, энергияниниг ички ва кинетик энергияларга бўлиниши, тизимости

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги 292-сон қарори.

[2] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.eriez.com, docs.lib.purdue.edu, www.cargocaresolutions.com, www.sciencedirect.com, www.link.springer.com, www.iccm-central.org, www.digitimes.com, www.ihs.com, www.webofknowledge.com, www.scholar.google.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

термодинамик мувозанатни локал сақланиши, манбаларнинг тенг муносабатга эга эканлиги исботланган (Weierstrass Institute for Applied Analysis and Stochastics, Германия); система ҳақидаги энг умумий маълумотлар − сақланиш қонунлари, Галилей алмаштиришлари группасига нисбатан инвариантлик, суюқликнинг ҳаракат тенгламаларини термодинамик мувозанат шартлари билан мутаносиблиги ёрдамида кўп фазали муҳитларнинг математик моделлари қурилган (Kyungpook National University, Жанубий Корея); бир ўлчамли ночизиқли геперболик типли тенгламалар учун тўғри ва тескари масалалар корректлиги ўрганилган (Logo Alpen Adria Universität, Австрия); ўзгарувчан коэффициентли геперболик типдаги тенгламаларнинг сингуляр ечимларини қуриш методлари ишлаб чиқилган (Стеклов номидаги Математика институти, Россия); математик физика тенгламалари учун тескари масалалар тадқиқ этилган (Ҳисоблаш математикаси ва математик геофизика ИТИ, Россия; University of California, АҚШ).

Дунёда бугунги кунда гиперболик тенгламалар ва гиперболик тенгламалар системаси учун бошланғич-чегаравий масалалар тадқиқ этилмоқда, шу жумладан, гиперболик тенгламаларни нур методи ёрдамида ечиш, тескари динамик масалаларни ечиш методлари ишлаб чиқилмоқда, ғовак-эластик муҳит тенгламалари учун тўғри динамик масалаларни сонли ечиш, ғовак-эластик муҳит тенгламалари учун тўғри ва тескари динамик масалаларининг корректлигини текшириш, ғовак-эластик муҳит тенгламалари учун тескари динамик масаланинг турғунлигини баҳолаш, ғовак-эластик муҳит тенгламалари учун тескари динамик масала ечимининг масалада берилганларга узлуксиз боғлиқлиги, ғовак-эластик муҳит тенгламаларини сонли моделлаштириш ва ечимларини топиш каби устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ночизиқли тўлқин тенгламаси (энергия диссипацияси бўлмаганда) кўп масалаларда учрайди. Масалан, торнинг эластиклик коэффициенти деформацияга боғлиқ бўлганда торнинг тебранишлари диссипациясиз ночизиқли тўлқин тенгламаси билан ифодаланади. Муҳитларнинг бундай модели учун тўғри ва тескари масалалар B. Kaltenbacher, G.Nakamura, M. Watanabe ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган. Маълумки, ғовак-эластик муҳит динамик тенгламаларида ишқаланиш коэффициенти (ўтказувчанлик) энергиянинг диссипация-ланишига олиб келади. Кўп ҳолларда ишқалиниш коэффициенти тезликлар айирмасининг функциясидан иборат бўлади (В.Н. Доровский, А.М.Блохин). Бу ҳолда ночизиқли коэффициентларни аниқлаш учун янги тескари масалалар ҳосил бўлади. Бундай муҳитлар динамикасининг тенгламалари квазичизиқли, кинетик параметрлар, умумий ҳолда ўзгарувчан термодинамик миқдорларнинг ночизиқли функциясидан иборат бўлади (В.Н. Доровский, А.М.Блохин; E.Romenski, D.Drikakis, E.Toro; Х.Х. Имомназаров, Н.М. Жабборов). Хусусий ҳолда бу моделлар эластиклик назариясининг бир тезликли квазичизиқли ёки сиқилувчан суюқлик учун диссипацияли Навье-Стокс тенгламаларига айланади. Бу тенгламалар учун масалаларнинг корректлигини аниқлашга кўплаб олимларнинг, жумладан, C.M. Dafermos, W.J. Hrusa, T. J. R. Hughes, T. Kato, J. E. Marsden, J.A. Olowofela, J.A.Adegoke, С.Н. Антонцев, В.Н. Монахов ишлари бағишланган.

Гиперболик тенгламалар учун тескари динамик масалаларни тадқиқ этиш ва ривожлантириш учун турли ёндошишлар М.М. Лаврентьев, В.Г. Романов, А.С. Благовещенский, А.И. Прилепко, Ю.Е. Аниконов, А.Л. Бухгейм, Ю.Л. Гапоненко, С.И. Кабанихин, А.Г. Меграбов, Б.С. Парийский, Д.Г. Орловский, А.Л. Иванков, А.В. Баев, Б.А. Бубнов, Х.Х. Имомназаров, А. Хайдаров, Д.К. Дурдиевлар ишларида келтирилган.

Келтирилган бу ишлар орасида В.Г. Романов, А.С. Благовещенский ва B. Kaltenbacher ишлари диссертация мавзусига энг яқин. Бу ишларда вертикал йўналиш бўйлаб бир жинсли бўлмаган изотроп-эластик муҳитдаги тўлқин тезлигининг тақсимоти эркин сиртга тегишли қўшимча маълумотга кўра тенгламанинг коэффициентини аниқлаш ҳақидаги бир ўлчамли тескари масала қаралади. Бу масала учун ечимнинг мавжудлиги ва унинг бошланғич маълумотларга узлуксиз боғлиқлиги ҳақидаги теоремалар исботланган. Ғовак-эластик муҳитларда ночизиқли тўлқинларнинг тарқалишини математик моделлаштириш ва бунда ҳосил бўлувчи тўғри ва тескари масалалар тўла тадқиқ этилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Қарши Давлат университетининг А-13-38 «Икки фазали муҳит ночизиқли тўлқин динамикаси учун тўғри ва тескари масалаларнинг назарий ва сонли тадқиқ қилиш» (2015-2017 йиллар) мавзусидаги илмий амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ғовак муҳитда энергия диссипациясини ҳисобга олган ҳолда ночизиқли тўлқин жараёнларининг математик моделларини такомиллаштириш ҳамда бир ўлчовли ночизиқли тўғри ва тескари динамик масалаларнинг корректлигини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.** Суюқлик билан тўлдирилган ғовак муҳитларда:

ночизиқли кўндаланг тўлқинларнинг тарқалишини тавсифловчи математик моделни такомиллаштириш;

математик моделлар учун тўғри ва тескари динамик масалаларнинг классик ечимининг локал мавжудлиги ҳақидаги теоремаларни исботлаш;

бир ўлчамли тескари динамик (шу жумладан ночизиқли) масалаларнинг шартли турғунлиги баҳосини топиш;

тўғри динамик масала операторининг Фреше маъносида дифференциалланувчи эканлигини исботлаш;

кўндаланг тўлқин тенгламаларининг сингуляр ечимларини қуриш;

кўндаланг тўлқин тенгламалари учун тескари динамик масалаларни иккинчи тур ночизиқли Вольтерра интеграл тенгламалар системасига келтириш;

тескари динамик масалалар ечимининг ягоналиги ва «кичик соҳада» мавжудлиги ҳақидаги теоремаларни ҳамда тескари динамик масалалар ечимларининг бошланғич маълумотларга узлуксиз боғлиқлигини исботлаш;

кўндаланг тўлқинлар тарқалиши тенгламалари учун тўғри ва тескари масалаларни сонли ҳисоблаш схемаларини ишлаб чиқиш;

ЭҲМда ҳисоблаш экспериментини ўтказиш учун дастур ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** мураккаб реологияли ғовак муҳитларда ночизиқли тўлқин жараёнларидан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** мураккаб реологияли ғовак муҳитларда ночизиқли тўлқинлар тарқалиши жараёнининг математик моделлари, уларни тадқиқ этиш учун сонли алгоритмлар ва дастурий воситалардан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Ночизиқли динамик жараёнларни текширишда математик моделлаштириш, номувозанат термодинамикаси, функционал анализ, ҳисоблаш математикаси методлари, гиперболик системалар учун характеристикалар методи, интеграл тенгламалар методи ҳамда дастурлаш технологияларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ночизиқли кўндаланг тўлқинларнинг тарқалишини тавсифловчи термодинамик мутаносиб математик модел энергия диссипациясини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

математик моделлар учун тўғри ва тескари динамик масалаларнинг классик ечимининг локал мавжудлиги ҳақидаги теоремалар исботланган;

бир ўлчамли тескари динамик (шу жумладан ночизиқли) масалаларнинг шартли турғунлиги баҳоси олинган;

тўғри динамик масала операторининг Фреше маъносида дифференциалланувчи эканлиги исботланган;

кўндаланг тўлқин тенгламаларининг сингуляр ечимлари қурилган;

кўндаланг тўлқин тенгламалари учун тескари динамик масалаларни иккинчи тур ночизиқли Вольтерра интеграл тенгламалар системасига келтирилган;

тескари динамик масалалар ечимининг ягоналиги ва «кичик соҳада» мавжудлиги ҳақидаги теоремалар ҳамда тескари динамик масалалар ечимларининг бошланғич маълумотларга узлуксиз боғлиқлиги исботланган;

кўндаланг тўлқинлар тарқалиши тенгламалари учун тўғри ва тескари масалаларни сонли ҳисоблаш схемалари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** фазалараро ишқаланиш коэффициентини фазалар нисбий тезлигига боғлиқлигини ва эластик асос (каркас)нинг силжиш коэффициентини деформация тезлигига боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда мос мавжуд математик моделлар такомиллаштирилган ва кўп фазали муҳитлар динамикасини коррект математик тавсифлаш методлари ёриқ-ғовак коллекторларнинг фильтрацияли-сиғимли хусусиятларини башорат қилиш ва уларнинг иш режимларини оптималлаштириш ҳамда углеводородли конларни ишлатиш технологик жараёнлар моделларини такомиллаштиришда қўлланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** математик моделнинг корректлиги, унинг термодинамика қонуниятлари билан мутаносиблиги, тўлқин жараёнларини тавсифловчи гиперболик тенгламаларнинг ҳосил бўлганлиги, текширишнинг математик қатъий олиб борилганлиги, ечимни топишда математик асосланган методлардан фойдаланилганлиги, олинган ечимларнинг бир фазали муҳит учун мос аниқ ечим билан мутаносиблиги, сонли моделлаштириш натижаларини қабул қилинган мезонлар асосида экспериментал маълумотлар билан қиёсий таҳлилига асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Олинган натижаларнинг илмий аҳамияти икки фазали ғовак муҳитлар оқимларини ва бунда ҳосил бўлувчи иссиқлик-масса алмашинуви жараёнларининг математик моделларини такомиллаштириш ва асослашдан тортиб, конкрет амалий нефт ва газ механикаси масалаларини ечиш ҳамда таҳлил қилишгача бўлган тадқиқ ишларини сақланиш қонунлари, методлари ва кўп фазали муҳитлар механикаси тенгламалари билан биргаликда амалга ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нефт ва газ саноати масалаларини ечиш, иссиқлик энергетикасида, инновацион тўлқинли методларни ишлаб чиқиш, ёриқ-ғовак коллекторларнинг фильтрацияли-сиғимли хусусиятларини башорат қилиш ва уларнинг иш режимларини оптималлаштириш ҳамда углеводородли конларни ишлатишнинг технологик жараёнлари моделларини такомиллаштириш учун хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ғовак-эластик муҳит ҳаракатининг энергия диссипацияси ҳисобга олинган модели ҳамда бир ўлчовли ночизиқли тўғри ва тескари динамик масалаларга оид олинган илмий натижалар асосида:

суюқлик билан тўлдирилган ғовак-эластик муҳит ҳаракатининг ночизиқли математик модели 1.3.1.3 рақамли «Методы создания, исследования и идентификации математических моделей о Земли» грант лойиҳасида тўғри ва тескари масалаларни ечишда фойдаланилган (Россия Фанлар академиясининг Сибир бўлими Ҳисоблаш математикаси ва математик геофизика институтининг 2018 йил 14 февралдаги 15301/12-01-31-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши эластик каркас силжиш модулини, суюқлик ва каркас зичликларини, ишқаланиш коэффициентининг чуқурлик бўйича ўзгариш қонунларини аниқлаш имконини берган;

ғовак-эластик муҳит ҳаракатининг термодинамик мутаносиб ночизиқли математик модели 0115РК00542 рақамли «Математическое моделирование волновой динамики многофазных сред с учетом диссипации энергии (прямые и обратные задачи)» грант лойиҳасида бир ўлчовли ночизиқли тўғри ва тескари масалаларни ечишда фойдаланилган (Абай номидаги Қозоғистон Миллий педагогика университети ҳузуридаги Математика, физика ва информатика ИТИнинг 2018 йил 24 майдаги 01-01-56-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши суюқлик билан тўлдирилган ғовак муҳитларда ночизиқли тўлқин тарқалишининг муҳим хусусиятларини тадқиқ этиш имконини берган;

ғовак-эластик муҳит ҳаракатининг ночизиқли математик модели дала ва сеймоқидирув маълумотларини қайта ишлаш жараёнини такомиллаштиришда фойдаланилган («O‘ZBURG‘UNEFTGAZ» акционерлик жамиятининг 2018 йил 23 февралдаги 04/БО-188-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши нефть ва газ соҳасида сейсмоқидирув маълумотларини қайта ишлаш жараёнининг самарадорлигини ва сифатини ошириш имконини берган;

ғовак-эластик муҳит ҳаракатининг ночизиқли математик модели мураккаб геологик шароитларда чуқур жойлашган литолог-стратиграфик комплекслар ва ноанъанавий «қопқонлар»нинг вақт бўйича кесимларини яхшилашда фойдаланилган («OʻZBEKGEOFIZIKA» акционерлик жамиятининг 2018 йил 7 майдаги 16-925-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши сейсмоқидирув маълумотларини қайта ишлаш дастурларини такомиллаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 29 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 6 таси хорижий ва 7 таси республика журналларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 160 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯ ИШИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссератациянинг «**Икки тезликли муҳитнинг термодинамик мутаносиб қайтар ҳаракат тенгламалари»** деб номланувчи биринчи боби сақланиш қонунлари ва термодинамика принциплари ёрдамида ишда тадқиқ этилувчи икки тезликли муҳит ҳаракати моделининг тенгламалар системаси энергия диссипациясини ҳисобга олмаган ҳолда тўлиқ келтириб чиқарилган.

Қаралаётган муҳитлар учун ҳолат тенгламалари олинган. Бундан ташқари, ҳаракат тенгламалари эластик ғовак каркас ва тўлдирувчи суюқлик тезликларига нисбатан чизиқлаштирилган.

Қуйидаги белгилашларни киритайлик:

$\rho = \rho_s + \rho_l -$мухит зичлиги, бу ерда $\rho_s$ ва $\rho_l -$мос равишда асос (каркас) ва суюқлик қисмий зичликлари;

$\mathbf{u}(u_i)$ ва $\mathbf{v}(v_i)-$мос равишда асос (каркас) ва суюқлик тезликлари;

$\mathbf{w} = \mathbf{u} - \mathbf{v} -$нисбий тезлик;

$p-$ суюқлик босими;

$\delta_{ik}, \delta_j^i -$ Кронекер белгилари;

$\mathbf{e}^i -$асоснинг деформацияси репери;

$\mathbf{e}_j -$ қўшма репер, $(\mathbf{e}^i, \mathbf{e}_j) = \delta_j^i$;

$g_{ij} = (\mathbf{e}_i, \mathbf{e}_j) -$ асоснинг метрик тензор деформацияси;

$S -$солиштирма энтропия;

$\mu -$химик потенциал;

$E_0\,(e_0)-$ муҳит (ғовак асос+ғовакдаги суюқлик) нинг бир ҳажм бирлигидаги (бир масса бирлигидаги) энергияси;

$h_{ij} -$ энергиядан $g_{ij}$ метрик тензор бўйича олинган ҳосила;

$T -$температура.

Масса, энтропия ва импульс сақланиш қонунларининг ўринли бўлишини талаб қиламиз:

$$\frac{\partial \rho}{\partial t} + \operatorname{div} \mathbf{j} = 0, \quad \frac{\partial S}{\partial t} + \operatorname{div} \mathbf{F} = 0, \quad \frac{\partial j_i}{\partial t} + \partial_k \Pi_{ik} = 0. \qquad (1)$$

Бу тенгламаларда: $\mathbf{j} -$ҳажм бирлигидаги импульс, $\mathbf{F} -$энтропиянинг қайтар оқими, $\Pi_{ik} -$импульс оқими зичлигининг тензори – ҳозирча аниқланмаган.

Ғовак муҳит деформацияси ушбу

$$\frac{\partial \mathbf{e}^\alpha}{\partial t} + \nabla(\mathbf{u}, \mathbf{e}^\alpha) = 0, \quad g^{\alpha\beta} = (\mathbf{e}^\alpha, \mathbf{e}^\beta). \qquad (2)$$

тенгламалар билан тавсифланади.

Фараз қиламизки, ғовак муҳитдаги суюқлик ҳаракати тенгламаси қуйидаги кўринишда бўлсин:

$$\rho \frac{d\mathbf{v}}{dt} = \rho \frac{\partial \mathbf{v}}{\partial t} + \left(\rho \mathbf{v}, \nabla\right) \mathbf{v} = \alpha \nabla \mu + \beta \nabla T \ . \qquad (3)$$

Бу ерда $\alpha$ ва $\beta$ лар ушбу $S, \rho, g^{\alpha\beta}$ ўзгарувчиларнинг функциялари бўлиб, улар аниқланиши керак.

(1)-(3) тенгламалардаги $\mathbf{j}, \mathbf{F}, \Pi_{ik}$ қайтар оқимлар тезликлар ва термодинамик миқдорларнинг функцияси бўлиши мумкин холос. Бу $\mathbf{j}, \mathbf{F}, \Pi_{ik}$ қайтар оқимларни аниқлаш учун уларнинг қийматларини суюқлик заррачаси қўзғалмас бўлган координаталар системасидаги мос қийматлари билан боғловчи Галилей алмаштиришларидан фойдаланамиз. Қуйидаги муносабатлар сақланиш қонунларини Галилей алмаштиришига нисбатан инвариантлигини таъминлайди:

$$E = E_0 + \frac{\rho \mathbf{v}^2}{2} + \left(\mathbf{v}, \mathbf{j}_0\right), \quad \mathbf{j} = \mathbf{j}_0 + \rho \mathbf{v}, \quad \mathbf{F} = \mathbf{F}_0 + S\mathbf{v},$$
$$\Pi_{ik} = \Pi_{0,ik} + \rho v_i v_k + v_i j_{0,k} + v_k j_{0,i}\,; \tag{4}$$

бу ерда нол-индекс миқдорларнинг суюқлик заррачаси қўзғалмас бўлган координаталар системасидаги қийматларига мос келади.

Ҳисоблашлар $\alpha = -\rho, \ \beta = -S$ эканлигини кўрсатади.

Сақланиш қонунлари (1) ва (2), (3) тенгламалар натижа сифатида ушбу

$$\frac{\partial E}{\partial t} + \operatorname{div}\mathbf{Q} = 0, \tag{5}$$

энергиянинг сақланиш қонунининг бажарилишини таъминлайди. Бу ерда $\mathbf{Q}$ – қайтар энергия оқими бўлиб, (4) формулаларга асосан қуйидаги муносабат ўринли бўлади:

$$\mathbf{Q} = \mathbf{Q}_0 + \left(\frac{\rho \mathbf{v}^2}{2} + \left(\mathbf{j}_0, \mathbf{v}\right) + E_0\right)\mathbf{v} + \frac{\mathbf{v}^2}{2}\mathbf{j}_0 + \left(\Pi_0, \mathbf{v}\right)$$

ёки

$$\mathbf{Q} = \left(\mu + \frac{\mathbf{v}^2}{2}\right)\mathbf{j} + \frac{TS}{\rho}\mathbf{j} + \mathbf{u}\left(\mathbf{u}, \mathbf{j}_0\right) + h_{\alpha\beta}\mathbf{e}^{\alpha}\left(\mathbf{u}, \mathbf{e}^{\beta}\right).$$

Ҳажм бирлигидаги импульс $\mathbf{j}$, энтропиянинг қайтар оқими $\mathbf{F}$ ва импульс оқими зичлигининг тензори $\Pi_{ik}$ лар учун қуйидаги формулаларни оламиз:

$$\mathbf{j} = \rho_s \mathbf{u} + \rho_l \mathbf{v}, \quad \mathbf{F} = \frac{S}{\rho}\mathbf{j},$$
$$\Pi_{i,k} = \rho_s u_i u_k + \rho_l v_i v_k + p\delta_{ik} + h_{\alpha\beta} e_k^{\alpha} e_i^{\beta}.$$

Шундай қилиб, икки тезликли континиум учун эластик деформацияни ҳисобга олиб, энергия диссипациясини эса ҳисобга олмай тўла тенгламалар системаси (қайтар гидродинамик яқинлашиш) келтириб чиқарилди:

$$\frac{\partial \rho}{\partial t} + \operatorname{div}\mathbf{j} = 0, \quad \mathbf{j} = \rho_s \mathbf{u} + \rho_l \mathbf{v},$$
$$\frac{\partial (s\rho)}{\partial t} + \operatorname{div}\left(s\mathbf{j}\right) = 0,$$
$$\frac{\partial j_i}{\partial t} + \partial_k\left(\rho_s u_i u_k + \rho_l v_i v_k + p\delta_{ik} + h_{ij} g_{jk}\right) = 0 \quad (i,k = 1,2,3), \tag{6}$$
$$\frac{\partial \mathbf{v}}{\partial t} + \left(\mathbf{v}, \nabla\right)\mathbf{v} = -\frac{\nabla p}{\rho} + \frac{\rho_s}{2\rho}\nabla \mathbf{w}^2 - \frac{h_{ik}}{2\rho}\nabla g_{ik},$$
$$\frac{\partial g_{ik}}{\partial t} + g_{kj}\partial_i u_j + g_{ij}\partial_k u_j + u_j \partial_j g_{ik} = 0,$$
$$\rho_s = const\sqrt{\det(g_{ik})},$$

$$e_0 = e_0\left(\rho, s, \mathbf{i}_0, g_{ik}\right),\ \mathbf{j}_0 = \rho_s \mathbf{w},\ \rho \mathbf{i}_0 = \mathbf{j}_0,$$

$$de_0 = \frac{p}{\rho^2} d\rho + Tds + (\mathbf{w}, d\,\mathbf{i}_0) + \frac{h_{ik}}{2\rho} dg_{ik}.$$

Бу ерда $e_0 = e_0\left(\rho, s, \mathbf{i}_0, g_{ik}\right) -$ муҳитнинг ҳолат тенгламаси (у берилган деб ҳисобланади), $s-$энтропия, $e_0, e-$энергиялар ва $\mathbf{i}_0-$импульс масса бирлигига келтирилган: $\rho s = S,\quad \rho e_0 = E_0,\quad \rho e = E_0,\quad \rho \mathbf{i}_0 = \mathbf{j}_0$.

Феноменологик назарияда $e_0\left(\rho, s, \mathbf{i}_0, g_{ik}\right)$ ҳолат тенгламаси келтириб чиқарилмайди, у муҳитнинг тузилишига боғлиқ бўлади ва, маълум даражада, тажрибаларда аниқланади. Лекин, $e_0\left(\rho, s, \mathbf{i}_0, g_{ik}\right)$ функционал муносабатга нисбатан баъзи фаразлар қилиб биринчи яқинлашиш формуласини топиш мумкин. Кўп ҳолларда, масалан, товуш тўлқинлари тарқалиши назариясида, яхши натижалар берувчи Гук яқинлашишидан фойдаланиб, қуйидаги биринчи яқинлашиш формуласи топилган:

$$e_0\left(\rho, s, \mathbf{i}_0, g_{ik}\right) = \mathrm{const} + \frac{\lambda}{\delta\rho_0} I_1^2 + \frac{\mu}{4\rho_0} I_2 - \frac{K}{2\rho_0^2} I_1\left(\rho - \rho_0\right) + T_0\left(s - s_0\right) +$$

$$+\frac{1}{2}\left(\alpha_3 + \frac{K}{\rho_0^3}\right)\left(\rho - \rho_0\right)^2 + \frac{\alpha_2}{2}\left(s - s_0\right)^2 + \alpha_1\left(\rho - \rho_0\right)\left(s - s_0\right) + \frac{\rho_s}{2\rho}\mathbf{w}^2$$

бу ерда

$$I_1 = \delta_{ik}\left(g_{ik} - \delta_{ik}\right),$$

$$I_2 = \delta_{ik}\delta_{jm}\left(g_{im} - \delta_{im}\right)\left(g_{ik} - \delta_{jk}\right),$$

$$K = \lambda + \frac{2}{3}\mu$$

бошқа коэффициентлар эса тажрибалар орқали топилиши мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Икки тезликли муҳитнинг диссипацияли термодинамик мутаносиб ҳаракат тенгламалари**» деб номланиб, ғовак-эластик муҳитда қовушқоқлик ва компоненталараро ишқаланиш омилларини ҳисобга олган ҳолда муҳит ҳаракатининг тенгламалари қурилган.

Юқорида келтирилган (6) тенгламалар системаси икки тезликли континиумнинг эластик деформацияни ҳисобга олиб, энергия диссипациясини эса ҳисобга олмаган ҳолда қайтар ҳаракати учун тўла тенгламалар системасини ифодалайди.

Термодинамик номувозанатлик натижасида (6) тенгламалар системасидаги оқимларда қўшимча қайтмас ҳадлар пайдо бўлади. Бунда қўшимча ҳадларни Галилей алмаштириши билан мослаштириш керак.

Диссипация ҳисобга олинганда ҳам муҳитнинг зичлиги қисмий зичликлар йиғиндисига тенг

$$\rho = \rho_s + \rho_l. \tag{7}$$

Массанинг сақланиш қонуни ифодаловчи тенглама кўриниши ўзгармайди

$$\frac{\partial \rho}{\partial t}+\operatorname{div}\mathbf{j}=0,$$
$$\mathbf{j}=\rho_s\mathbf{u}+\rho_l\mathbf{v}. \tag{8}$$

Импульснинг сақланиш қонуни тенгламасида қайтар оқим зичлиги тензори $\Pi_{ik}$ га қайтмас симметрик тензор $\pi_{ik}$ ни қўшиш керак:

$$\frac{\partial j_i}{\partial t}+\partial_k\left(\Pi_{ik}+\pi_{ik}\right)=0,$$
$$\Pi_{ik}=\rho_s u_i u_k+\rho_l v_i v_k+p\delta_{ik}+h_{\alpha\beta}e_k^\alpha e_i^\alpha. \tag{9}$$

Бунда $\pi_{ik}$ қайтмас тензорнинг кўриниши ва у кейинроқ аниқланади.

Энергиянинг сақланиш қонунидаги $\mathbf{Q}$ қайтар оқимга $\mathbf{W}$ қайтмас оқимни қўшиш керак. Энергиянинг сақланиш қонуни тенгламаси энди қуйидаги кўринишни олади:

$$\frac{\partial E}{\partial t}+\operatorname{div}\left(\mathbf{Q}+\mathbf{W}\right)=0, \tag{10}$$

$$\mathbf{Q}=\left(\mu+\frac{\mathbf{v}^2}{2}\right)\mathbf{j}+\frac{TS}{\rho}\mathbf{j}+\left(\mathbf{u},\mathbf{j}_0\right)\mathbf{u}+h_{\alpha\beta}\mathbf{e}^\alpha\left(\mathbf{u},\mathbf{e}^\beta\right).$$

Навье-Стокс тенгламаси билан монандлик нуқтаи-назаридан келиб чиқиб, (3) қайтар ҳаракат тенгламаси

$$\frac{\partial \mathbf{v}}{\partial t}+\left(\mathbf{v},\nabla\right)\mathbf{v}=-\nabla\mu-\frac{S}{\rho}\nabla T$$

га энергия диссипацияси ҳолида $\mathbf{f}$ ишқаланиш кучини қўшиш керак:

$$\frac{\partial \mathbf{v}}{\partial t}+\left(\mathbf{v},\nabla\right)\mathbf{v}=-\nabla\left(\mu+h\right)-\frac{S}{\rho}\nabla T+\mathbf{f}. \tag{11}$$

Бундан ташқари, градиент белгиси остига диссипатив табиатли $h$ фукция қўшилган.

Диссипатив жараёнлар каркасда қайтмас деформациялар ҳосил қилмайди деб фараз қилинади:

$$\frac{\partial \mathbf{e}^\alpha}{\partial t}+\nabla\left(\mathbf{u},\mathbf{e}^\alpha\right)=0. \tag{12}$$

Муҳитда диссипатив жараёнларни ҳисобга олиш энтропиянинг ўсишига олиб келади ва энтропиянинг кўчиш тенгламаси қуйидаги кўринишга келади:

$$\frac{\partial S}{\partial t}+\operatorname{div}\left(S\frac{\mathbf{j}}{\rho}+\frac{\mathbf{q}}{T}\right)=\frac{R}{T}, \tag{13}$$

бу ерда $R-$диссипатив функция. (7)-(13) тенгламалардаги $\pi_{ik},\mathbf{W},\mathbf{f},h,\mathbf{q},R$ қайтмас миқдорларни аниқлаш лозим.

Термодинамиканинг иккинчи қонунини ҳисобга олган ҳолда қаралаётган муҳит учун (7)-(13) тенгламалардан

$$\frac{\partial E}{\partial t}+\operatorname{div}\left(\mathbf{Q}+\mathbf{q}+(\pi,\mathbf{v})+h(\mathbf{j}-\rho\mathbf{v})\right)=\frac{1}{T}(\mathbf{q},\nabla T)+h\operatorname{div}(\mathbf{j}-\rho\mathbf{u})+$$
$$+\pi_{ik}\partial_k v_i+(j_i-\rho u_i)\left(f_i+\frac{1}{\rho_l}\partial_k\pi_{ik}\right)+T\left(\frac{\partial S}{\partial t}+\operatorname{div}\left(\frac{S}{\rho}\mathbf{j}+\frac{\mathbf{q}}{T}\right)\right) \tag{14}$$

муносабат топилади. Бу ерда $(\pi,\mathbf{v})$ векторнинг координаталари $(\pi,\mathbf{v})_i=\pi_{ik}v_k$. Бу тенгликдан оқимларни уларнинг қайтар ҳолидаги қийматлари билан таққослаб, қайтмас энергия оқими вектори $\mathbf{W}$ ва диссипатив функция $R$ аниқланади:

$$W_i=q_i+\pi_{ik}v_k+h(j_i-\rho u_i),$$
$$R=-h\operatorname{div}(\mathbf{j}-\rho\mathbf{u})-\frac{1}{T}(\mathbf{q},\nabla T)-\pi_{ik}\partial_k v_i-(j_i-\rho u_i)\left(f_i+\frac{1}{\rho_l}\partial_k\pi_{ik}\right). \tag{15}$$

Ушбу $\operatorname{div}(\mathbf{j}-\rho\mathbf{u}),\nabla T,\partial_k v_i$ ва $\mathbf{u}-\mathbf{v}$ миқдорлар нолга тенг бўлганда қайтмас оқимлар қатнашмаслиги керак. Чизиқли яқинлаштиришда термодинамик оқимлар мос термодинамик кучларга пропорционал бўлиши зарур. Муҳит фақат суюқликдан иборат бўлганда, яъни $\mathbf{u}\to\mathbf{v}$ ва $g^{\alpha\beta}=0$ бўлса қурилаётган назария Навье-Стокс назариясига айланиши керак. Бундан ва Кюри принципини ҳисобга олиб, диссипатив функция учун қуйидаги ифода топилган:

$$R=\zeta_2(\operatorname{div}\mathbf{v})^2+2\zeta_1\operatorname{div}(\mathbf{j}-\rho\mathbf{u})\operatorname{div}\mathbf{v}+\zeta_3\left(\operatorname{div}(\mathbf{j}-\rho\mathbf{u})\right)^2+\frac{k}{T}(\nabla T)^2+$$
$$+2\bar{\lambda}(\nabla T,\mathbf{j}-\rho\mathbf{u})+\bar{k}(\mathbf{j}-\rho\mathbf{u})^2+\frac{\eta}{2}\left(\partial_k v_i+\partial_i v_k-\frac{2}{3}\delta_{ik}\operatorname{div}\mathbf{v}\right)^2. \tag{16}$$

Бу ердаги $\zeta_1,\zeta_2,\zeta_3,\bar{k},k,\bar{\lambda},\eta$ еттита кинетик коэффициент учун ушбу

$$\zeta_1^2\le\zeta_2\zeta_3,\ \zeta_3\ge 0;\quad \bar{\lambda}^2\le\frac{k\bar{k}}{T},\quad k\ge 0;\quad \eta\ge 0$$

шартлар бажарилади. Умумий ҳолда бу коэффициентлар $\rho,S,g^{\alpha\beta}$ ва $\mathbf{u}-\mathbf{v}$ миқдорларнинг функциясидан иборат.

Барча қайтмас оқимларни аниқлаб, икки тезликли, бир компонентаси эластик бўлган қайтмас гидродинамика тенгламаларининг тўла системаси ҳосил қилинди:

$$\frac{\partial\rho}{\partial t}+\operatorname{div}\mathbf{j}=0,$$
$$\frac{\partial u_i}{\partial t}+(\mathbf{u},\nabla)u_i=-\frac{1}{\rho}\partial_i p-\frac{\rho_l}{2\rho}\partial_i\mathbf{w}^2+\frac{\rho_l}{2\rho\rho_s}h_{\alpha\beta}\partial_i g^{\alpha\beta}+$$
$$+\bar{\lambda}\frac{\rho_l}{\rho_s}\partial_i T+\bar{k}\frac{\rho_l}{\rho_s}(j_i-\rho u_i)-\frac{1}{\rho_s}\partial_k\left(h_{\alpha\beta}e_i^\alpha e_k^\beta\right),$$

$$\frac{\partial v_i}{\partial t} + (\mathbf{v}, \nabla) v_i = -\frac{1}{\rho}\partial_i p + \frac{\rho_s}{2\rho}\partial_i \mathbf{w}^2 - \frac{h_{\alpha\beta}}{2\rho}\partial_i g^{\alpha\beta} -$$

$$-\bar{\lambda}\partial_i T - \bar{k}\left(j_i - \rho u_i\right) + \frac{1}{\rho_l}\partial_k\left(\eta\left(\partial_k v_i + \partial_i v_k - \frac{2}{3}\delta_{ik}\operatorname{div}\mathbf{v}\right)\right) + \qquad (17)$$

$$+\frac{1}{\rho_l}\partial_i\left(\zeta_1 \operatorname{div}\left(\mathbf{j} - \rho\mathbf{u}\right) + \zeta_2 \operatorname{div}\mathbf{v}\right),$$

$$\frac{\partial \mathbf{e}^\alpha}{\partial t} + \nabla\left(\mathbf{e}^\alpha, \mathbf{u}\right) = 0,$$

$$\rho_s = \frac{\text{const}}{\sqrt{\det\left(g_{\alpha\beta}\right)}}, \qquad \rho = \rho_s + \rho_l, \left(\mathbf{e}_\alpha, \mathbf{e}_\beta\right) = g_{\alpha\beta},$$

$$\frac{\partial S}{\partial t} + \operatorname{div}\left(\frac{\mathbf{j}}{\rho}S - \frac{k}{T}\nabla T - \bar{\lambda}\left(\mathbf{j} - \rho\mathbf{u}\right)\right) = \frac{R}{T},$$

$$e_0 = e_0\left(\rho, s, \mathbf{i}_0, g_{ik}\right).$$

Бу ерда ҳолат тенгламаси $e_0 = e_0\left(\rho, s, \mathbf{i}_0, g_{ik}\right)$ берилган деб ҳисобланади.

Ҳаракатнинг олинган диссипатив тенгламалари товуш тўлқинларининг сўниш масаласини, яъни бўйланма ва кўндаланг товуш тўлқинларидаги тебранишларнинг сўниш табиатини аниқлашга имкон беради.

Қаралаётган муҳитда компоненталараро ишқаланишни ҳисобга олиб, суюқликдаги қовушқоқликни эса ҳисобга олмаган ҳолда товуш тўлқинларининг сўниши ўрганилган.

Боб охирида бир ўлчамли кўндаланг тўлқинларни тавсифловчи ночизиқли тенгламалар ҳосил қилинган. Фараз қилинадики, компоненталараро ишқаланиш мавжуд бўлиб, қовушқоқлик, температура эффектлари нолга тенг:

$$\zeta_1 = \zeta_2 = \zeta_3 = \eta = \bar{\lambda} = 0.$$

$x$ ўқи бўйлаб ҳаракатда $\mathbf{u} = (0, u(t,x), 0)$ ва $\mathbf{v} = (0, v(t,x), 0)$ бўлсин. Кинетик параметр $\bar{k}$ (ишқаланиш коэффициенти) тезликлар айирмасига $\bar{k} = \chi(u - v)$, силжиш модули $\mu$ эса деформация градиентига боғлиқ $\mu = \mu(u_x)$ деб ҳисоблаб, умумий ҳаракат тенгламалари (17) дан қуйидаги суюқлик билан тўлдирилган ғовак-эластик муҳитда тарқаладиган кўндаланг тўлқин учун ночизиқли тенгламалар системаси топилган:

$$\begin{cases} \rho_s u_t = \sigma_x - \rho_l^2\left(u - v\right)\chi(u - v), \\ \sigma_t = \mu(u_x)u_x, \\ \rho_l v_t = \rho_l^2\left(u - v\right)\chi(u - v). \end{cases} \qquad (18)$$

Учинчи боб «**Кўндаланг тўлқин тенгламаси учун тўғри масалаларнинг математик моделлари ва уларнинг тадқиқи**» деб аталади.

Бобда ғовак-эластик муҳит ночизиқли ва чизиқли тўғри динамик масалалар қўйилган, аналитик ҳамда сонли тадқиқ этилган.

Ғовак-эластик муҳитнинг $u$ ва $v$ тезликларига нисбатан ночизиқли бир ўлчамли тенгламалар системаси (18) учун қуйидаги бошланғич-чегаравий масала қаралган:

$$\rho_s u_{tt} = \left(\mu(u_x)u_x\right)_x - \rho_l^2\left(\left(u-v\right)\chi(u-v)\right)_t, \quad x\in(0,L), \quad t\in(0,T), \tag{19}$$

$$\rho_l v_t = \rho_l^2\left(u-v\right)\chi(u-v), \quad x\in(0,L), \quad t\in(0,T), \tag{20}$$

$$u\big|_{t=0} = u_0(x),\ u_t\big|_{t=0} = u_1(x), \ \ v\big|_{t=0} = 0, \quad x\in(0,L), \tag{21}$$

$$u\big|_{x=0} = 0, \ \ \mu(u_x)u_x\big|_{x=L} = f(t), \quad t\in(0,T). \tag{22}$$

Бу ерда $f:[0,T]\to\mathbb{R}$, $u_0:[0,L]\to\mathbb{R}$, $u_1:[0,L]\to\mathbb{R}$. $\mu(s)$ уч марта, $\chi(s)$ икки марта узлуксиз дифференциалланувчи мусбат функциялар деб ҳисобланади. Бошланғич $u_0(x), u_1(x)$ ва чегаравий $f(t)$ функциялардан қуйидаги шартларни қаноатлантириш талаб этилади:

$$u_0\in C^3(0,L), \qquad u_1\in C^2(0,L), \qquad f\in C^2(0,T). \tag{23}$$

Бошланғич-чегаравий масала (19)-(22) нинг классик ечими, яъни $u\in C^{2,2}\left([0,L]\times[0,T]\right)$, $v\in C^{0,1}\left([0,L]\times[0,T]\right)$ функциялар изланади; бунда $C^{k,m}\left([0,L]\times[0,T]\right) - x$ бўйича $k$ марта, $t$ бўйича эса $m$ марта узлуксиз дифференциалланувчи функциялар синфи.

Берилган $\mu$, $\chi$, $\rho_s, \rho_l$ функциялар (коэффициентлар)га кўра (19)–(22) масаладан $u$ ва $v$ силжишларни топиш бир ўлчамли тўғри динамик масала дейилади.

Ушбу $\tilde{\mu}(s)=s\mu(s)$, $\tilde{\chi}(s)=s\chi(s)$ функцияларни киритайлик. Қуйидаги мослашиш шартларининг бажарилишини талаб этамиз:
ўнг чегарада

$$\begin{gathered}\left(\tilde{\mu}^{-1}\circ f\right)(0)=u_0'(L), \quad \left(\tilde{\mu}^{-1}\circ f\right)'(0)=u_1'(L), \\ \rho_s\left(\tilde{\mu}^{-1}\circ f\right)''(0)=\left(\tilde{\mu}(u_0')\right)''(L)-\rho_l^2\left[\left(u_1-\rho_l\tilde{\chi}(u_0)\right)\tilde{\chi}'(u_0)\right]'(L),\end{gathered} \tag{24}$$

ва чап чегарада

$$u_0(0)=u_1(0)=u_0''(0)=u_1''(0)=0. \tag{25}$$

Бирор мусбат $S$ константа учун

$$X=\left\{(\tilde{\mu},\tilde{\chi})\in C^3(0,S)\times C^2(0,S)\,|\,\tilde{\mu}(0)=0, \tilde{\chi}(0)=0\right\}$$

белгилашни киритайлик.

(19)-(22) масаланинг ечимини текшириш мақсадида ушбу

$$D(F)=\left\{\begin{matrix}(\tilde{\mu},\tilde{\chi})\in X\,|\,\tilde{\mu}'(s)\ge\mu_0, \tilde{\mu}''(s)\le C, \tilde{\chi}''(s)\le C, \forall s\in[0,S], \\ (24) \text{ шартлар бажарилган}\end{matrix}\right\}, \tag{26}$$

тўпламда аниқланган $F$ операторни аниқлайлик, бу ерда $\mu_0$ ва $C-$мусбат константалар. Бу $F$ оператор $(\tilde{\mu},\tilde{\chi})\in D(F)$ ни $\tilde{u}:=u(L,\cdot)$га акслантиради, бу ерда

$u(L,\cdot)$функция қуйидаги (27)-(31) масала ечими $u(x,t)$ нинг $x = L$ даги торайиши:

$$\rho_s u_{tt} = \left(\tilde{\mu}(u_x)\right)_x - \rho_l^2 \left(\tilde{\chi}(u-v)\right)_t, \quad x \in (0,L), \quad t \in (0,T), \qquad (27)$$

$$v_t = \rho_l \tilde{\chi}(u-v), \quad x \in (0,L), \quad t \in (0,T), \qquad (28)$$

бошланғич шартлар

$$u\big|_{t=0} = u_0(x), \quad u_t\big|_{t=0} = u_1(x), \quad x \in (0,L), \qquad (29)$$

$$v\big|_{t=0} = 0, \quad x \in (0,L), \qquad (30)$$

ва чегаравий шартлар

$$\tilde{\mu}(u_x)\big|_{x=L} = f(t), \quad t \in (0,T), \qquad (31)$$

$$u\big|_{x=0} = 0, \quad t \in (0,T). \qquad (32)$$

*Теорема 1.* Айтайлик, $T$ етарлича кичик, $S$ эса етарлича катта мусбат сонлар ҳамда (23)-(25) шартлар бажарилган ҳамда $f(0)=0$ ва $f-$қатъий ўсувчи функция бўлсин. У ҳолда ҳар қандай $(\tilde{\mu},\tilde{\chi})\in D(F)$ учун (19)-(22) масала ягона $u \in C^{3,2}([0,L]\times[0,T])$, $v \in C^{1,1}([0,L]\times[0,T])$ ечимга эга. Бунда тўғри масаланинг юқорида киритилган

$$F : D(F) \to C^2(0,T), \quad \tilde{\mu} \mapsto u(L,\cdot),$$

оператори тайинланган $\tilde{\chi}$ учун коррект аниқланган. Бундан ташқари,

$$F : D'(F) \subseteq X' \to C^2(0,T), \; X' = X \cap C^4(0,S), \; D'(F) = D(F) \cap C^4(0,S),$$

оператор Фреше маъносида узлуксиз дифференциалланувчи.

Ғовак-эластик муҳит $z > 0$ ярим фазони эгаллаган ҳамда каркас ва суюқлик силжиш векторлари фақат $t$ ва $z$ га боғлиқ, яъни $U = u_y(z,t)$, $V = v_y(z,t)$ бўлган ҳолда бир ўлчамли «кичик» ҳаракатлар ўрганилган. Бу ҳолда ҳаракатлар чизиқлилаштирилган тенгламалар билан ифодаланади:

$$\rho_s(z)U_{tt} = (\mu(z)U_z)_z - \chi(z)\rho_l^2(z)(U_t - V_t), \qquad (33)$$

$$\rho_l(z)V_{tt} = \chi(z)\rho_l^2(z)(U_t - V_t). \qquad (34)$$

Бу ерда $\chi(z)-$ишқаланиш коэффициенти. Бу (33), (34) тенгламалар ютувчи муҳитда кўндаланг тўлқинларнинг тарқалишини тавсифлайди.

Муҳит $t < 0$ пайтларда тинч ҳолатда

$$U\big|_{t<0}=0, \; U_t\big|_{t<0}=0, \; V\big|_{t<0}=0, \; V_t\big|_{t<0}=0, \qquad (35)$$

$z = 0$ чегарада эса импульсли куч қўйилган

$$\mu U_z\big|_{z=0}=F(t), \qquad (36)$$

бу ерда

$$F(t)=\delta(t)+f(0)\varepsilon(t)+\dots, \qquad (37)$$

$\delta(t)-$Диракнинг дельта функцияси, $\varepsilon(t)-$Хевисайд функцияси бўлсин.

Берилган $\rho_s(z)$ ва $\mu(z)$ функциялар узлуксиз дифференциалланувчи, $\rho_l(z)$ва $\chi(z)$ функциялар эса узлуксиз деб ҳисобланади.

Қўйилган (33)-(37) тўғри масала ечими қуйидаги асимтотик ёйилма кўринишида топилган:

$$U(t,z)=\alpha^s(z)\varepsilon(t-\tau(z))+\beta^s(z)(t-\tau(z))_+ +\frac{1}{2}\gamma^s(z)(t-\tau(z))_+^2+\dots \quad (38)$$

$$V(t,z)=\alpha^l(z)\varepsilon(t-\tau(z))+\beta^l(z)(t-\tau(z))_+ +\frac{1}{2}\gamma^l(z)(t-\tau(z))_+^2+\dots, \quad (39)$$

бу ерда $\alpha^s(z),\beta^s(z),\dots,\ \alpha^l(z),\beta^l(z),\dots$ коэффициентлар ва $\tau(z)$ ушбу

$$\alpha^s(z)=-\frac{1}{\sqrt{\sigma(z)\sigma(0)}}\exp(-\int_0^z\frac{\chi(\xi)\rho_l^2(\xi)}{2\sigma(\xi)}d\xi);$$

$$\beta^s(z)=\frac{1}{\sqrt{\sigma(z)}}\exp(-\int_0^z\frac{\chi(\xi)\rho_l^2(\xi)}{2\sigma(\xi)}d\xi)\left(c_2+\int_0^z\frac{g(\eta)}{2\sqrt{\sigma(\eta)}}\exp(\int_0^\eta\frac{\chi(\xi)\rho_l^2(\xi)}{2\sigma(\xi)}d\xi)d\eta\right),$$

$$c_2=\frac{\sigma'(0)+\chi(0)\rho_l^2(0)}{2\rho_s(0)\mu(0)};$$

$$\alpha^l(z)=0;$$

$$\beta^l(z)=\chi(z)\rho_l(z)\alpha^s(z);$$

$$\tau(z)=\int_0^z\frac{d\xi}{c_t(\xi)},$$

$$c_t(z)=\sqrt{\frac{\mu(z)}{\rho_s(z)}}.$$

формулалар билан аниқланади.

Бундан кейин (33)-(37) тўғри масала гиперболик типли система учун бошланғич-чегаравий масалага келтирилади. Бунинг учун $z$ ўрнига $x$ координата

$$x=\int_0^z\frac{d\xi}{c_t(\xi)} \quad (40)$$

формула орқали киритилади.

Янги номаълум вектор-функция $\Psi$ ва скаляр функция $\Phi$ ушбу

$$\Psi=\begin{pmatrix}\Psi_1\\ \Psi_2\end{pmatrix}=\begin{pmatrix}\sqrt{\sigma}(U_t-U_x)\\ \sqrt{\sigma}(U_t+U_x)\end{pmatrix},\ \Phi=V_t. \quad (41)$$

формулалар билан аниқланади.

Янги номаълум функцияларга нисбатан қуйидаги гиперболик тенгламалар системаси ҳосил қилинган:

$$\frac{\partial\Psi}{\partial t}+\Lambda\frac{\partial\Psi}{\partial x}=\begin{pmatrix}-\frac{\chi}{2}\frac{\rho_l^2}{\rho_s} & -\frac{\chi}{2}\frac{\rho_l^2}{\rho_s}+q\\ -\frac{\chi}{2}\frac{\rho_l^2}{\rho_s}-q & -\frac{\chi}{2}\frac{\rho_l^2}{\rho_s}\end{pmatrix}\Psi+\chi\sqrt{\sigma}\frac{\rho_l^2}{\rho_s}\begin{pmatrix}1\\1\end{pmatrix}\Phi, \quad (42)$$

$$\frac{\partial\Phi}{\partial t}=\frac{\chi}{2\sqrt{\sigma}}\rho_l(\Psi_1+\Psi_2)-\chi\,\rho_l\Phi\ , \quad (43)$$

бу ерда

$$\Lambda = \begin{pmatrix} 1 & 0 \\ 0 & -1 \end{pmatrix}, \quad q(x) = \frac{\sigma'_x}{2\sigma}. \tag{44}$$

Бошланғич шартлар

$$\Psi \Big|_{t<0} = 0, \; \Phi \Big|_{t<0} = 0 \tag{45}$$

кўринишга эга.

Чегаравий шартлар эса қуйидагича ёзилади:

$$\Psi\Big|_{x=0} = s(t), \tag{46}$$

бунда

$$s(t) = \begin{pmatrix} s_1(t) \\ s_2(t) \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} \sqrt{\sigma(0)}\,\dot{G}(t) - \dfrac{1}{\sqrt{\sigma(0)}} F(t) \\ \sqrt{\sigma(0)}\dot{G}(t) + \dfrac{1}{\sqrt{\sigma(0)}} F(t) \end{pmatrix}, \quad G(t) = U(z,t)\Big|_{z=0}. \tag{47}$$

Топилган (42)-(47) масала (42)-(43) тенгламаларнинг характеристикалари бўйлаб интеграллаш натижасида чизиқли Вольтерра интеграл тенгламалар системасига келтирилади. Бу система «кичик соҳада» (локал) ягона узлуксиз ечимга эга.

Бундан ташқари (42)-(43) гиперболик система ечимининг сингулярлик табиати ҳам ўрганилган.

Ғовак-эластик муҳит учун қўйилган чизиқли бир ўлчамли тўғри масалаларни ечиш учун характеристикалар бўйлаб интеграллаш методидан фойдаланиб сонли алгоритм қурилган ва сонли натижалар олинган.

Бир ўлчамли ночизиқли тўғри (19)-(22) масала сонли ечилган. Бунда вақт бўйича $(\tau)$ ва фазо бўйича $(h)$ дискретлаштириш қадамларига нисбатан иккинчи тартибли аппроксимацияловчи ошкор айирмали схемадан фойдаланилган:

$$\frac{1}{\tau^2}(u_j^{i+1} - 2u_j^i + u_j^{i-1}) = \frac{1}{2\mathrm{h}^2 \rho_s}((\mu_{j+1}^{i-1} + \mu_j^{i-1})(u_{j+1}^i - u_j^i) -$$

$$-(\mu_j^{i-1} + \mu_{j-1}^{i-1})(u_j^i - u_{j-1}^i)) - \frac{1}{\tau\rho_s}\rho_1^2((u_j^i - v_j^i)\chi_j^i - (u_j^{i-1} - v_j^{i-1})\chi_j^{i-1})$$

$$v_j^{i+1} = \rho_1\tau(u_j^{i+1} - v_j^{i+1})\chi_j^i + v_j^i \qquad i = 0,\dots,N, \;\; j = 0,\dots,M$$

бошланғич ва чегаравий шартларнинг дискретлаштирилиши:

$$u_j^0 = 0, \qquad \frac{u_j^1 - u_j^0}{\tau} = \sin(jh), \; v_j^0 = 0, \quad j = 0,\dots,M$$

$$u_0^i = 0, \; u_M^i = 0, \; i = 0,\dots,N$$

Бу айирмали схеманинг турғунлигини таъминлаш мақсадида Курант сонини 0.5 дан кичик танланган.

